

# КОНСАЛТИНГ ФИРМАЛАРНИ КИМ НАЗОРАТ ҚИЛАДИ?

11.



# Маҳалла



№ 7  
(2041) 2022 йил  
19 февраль

**КАСБ-  
ХУНАРЛИ  
АЁЛЛАР  
СЕРТИФИКАТ  
ОЛАДИМИ? 3.**



**ЎЗБЕКИСТОН  
ЙЎЛЛАРИДА  
НИСБАТАН КЎП  
ОДАМ ЎЛЯПТИ? 5.**

**БИТТА ХАТО  
ҲАМОН  
ҚИММАТГА  
ТУШЯПТИ 9.**



# Хабарўз

## – ЯНГИЛАНИШ, МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ҚАДР-ҚИММАТ АЙЁМИ

2.

**ШАМОЛГА ДОШ  
БЕРОЛМАГАН  
БИНОЛАР  
ЗИЛЗИЛАГА  
БАРДОШЛИМИ? 6.**



12.

**ЙИЛИГА  
МИЛЛИАРД  
ДОЛЛАР  
ҚАЕРГА  
КЕТЯПТИ?**



## – ЯНГИЛИКЛАР, МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ҚАДР-ҚИММАТ АЙЁМИ

Икки йиллик карантин талаблари аҳолини анча толиқтириб, кўплаб имкониятларини чеклаб қўйди. Ҳатто халқимизнинг энг ардоқли миллий байрами – Наврўзи оламни ҳам кенг нишонлай олмади. Шукрки, аста-секин барчаси ортда қолмоқда.

Куни кеча Президентнинг «2022 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори эса барчага қувонч бағишлади. Негаки, ушбу қарор билан халқимиз асрлар давомида эъзозлаб келаётган, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тарафидан халқаро байрам сифатида эътироф этилган Наврўзи олам умумхалқ сайиллари шаклида кўтаринки руҳда ва юқори савияда нишонландиган бўлди.

Ушбу қадимий байрамнинг руҳи ва фалсафасида мужас-

**Президентнинг «2022 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори эса барчага қувонч бағишлади.**

мандчилик кўргазмалари, миллий спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш, китоб расталари, кўчма савдо дўконларини ташкил қилиш, кўклам таомларини тайёрлаш ва уларнинг савдоси йўлга қўйилади. Юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари Наврўз умумхалқ байрамини нишонлашга оид урф-одадлари, анъана ва қадриятлари кенг намоиш этилиб, Тошкент шаҳридаги «Янги Ўзбекистон» мажмуасида алоҳида дастурлар асосида халқ сайиллари ўтказилади.

**Эътиборлиси**, байрам кунлари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фахрийлари, кекса авлод вакиллари хар томонлама эъзозлаш, Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари тарбияланувчилари, Саховат уйларида яшаётганлар, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ва «Меҳр дафтари»га киритилган ҳамда кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирлари амалга оширилади.

**Ҳали бу ҳаммаси эмас.** Юртдошларимиз ушбу байрам арафасида Президентнинг «2022 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида кўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги фармони асосида 5 кун дам олишади. Бу эса ички туризм учун ҳам яхшигина имкониятдир.

**Хуллас**, янгиликлар фақатда янги орзу-истакларимизни амалга ошириш учун барча имкониятлар яратилмоқда.

Рустам ЮСУПОВ.



сам бўлган борлиқни асраб-авайлаб, доимо у билан уйғун бўлиб яшаш, меҳр-оқибат, хайру саховат, бунёдкорлик, бағрикенглик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик сингари юксак ғоялар бугунги кунда янада теран мазмун ва аҳамият касб этиб бораётир. Шу боисдан ҳам бу галги Наврўз байрами «Ассалом, Наврўз – янгиликлар, меҳр-оқибат ва қадр-қиммат айёми!» деган бош ғоя асосида ўтказилади.

Авалло, Наврўз умумхалқ байрами арафасида республикамизнинг барча ҳудудларида, ҳар бир кўча, маҳалла, туман ва

шаҳарларда ободончилик ва кўкаламзорлаштиришга қаратилган умумхалқ ҳашарлари уюштирилади.

**Наврўз кунларида эса** инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлик, она заминга меҳр ва эътибор яққол ўз ифодасини топишини акс эттирадиган, атроф-муҳитни, унинг неъматларини асраб-авайлаш, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга, инсон қадрини улуғлашга даъват этадиган маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилади.

**Қувонарлиси**, байрам тадбирлари бўлиб ўтадиган жойларда хунар-

ЖАРАЁН

## «Инсон – жамият – давлат» тамойили қандай ишлайди?



**Айбек ГАНИБАЕВ,**  
Олий Мажлис ҳузуридаги  
Қонунчилик муаммолари ва  
парламент тадқиқотлари  
институтини бош илмий ходими.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Президент фармон ва қарорлари қабул қилинди.

2021 йил 6 ноябрь куни янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросими бағишланган нутқида: «**Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси миллий ривожланишимизнинг янги босқичини бошлаб беради. Биз бундан буён фаолиятимизни «инсон – жамият – давлат» деган янги тамойил асосида ташкил этамиз**», дея таъкидлаган эди. Мазкур концептуал ҳужжатда ислохотларнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш мақсадида «**Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари**» деган тамойил асосий ғоя ва бош мезон қилиб белгиланди.

Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси етти та устувор йўналиш ва 100 та мақсаддан иборат бўлиб, унда юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари энг олий қадрият сифатида белгиланган. Жумладан, «Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш» деб номланган тўртинчи устувор йўналишда 34 та мақсадни амалга ошириш кўзда тутилган. Аини мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун 1 та қонун, 6 та Президент қарори, 4 та Вазирлар Маҳкамаси қарори, 9 та Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси, 3 та вазирликнинг буйруқлари, 30 та амалий чора-тадбир ва 2 та чора-тадбир режалари ишлаб чиқиши режалаштирилган.

### Ижтимоий соҳада нималар ўзгаради?

Хусусан, ҳар бир фуқарога давлат ҳисобидан аниқ касб-хунарга ўқиш имконияти яратилиб, **касбга ўқитиш кўлами 2 баравар оширилади**, жами **1 млн. ишсиз фуқаро** касб-хунарга ўқитилади. Бу жараёнда нодавлат таълим муассасаларининг иштироки **30 фоизга**

етказилади. Бундан ташқари, **мактабгача таълим қамровини ҳозирги 67 фоиздан камида 80 фоизга етказиш**, мактабларни ривожлантириш миллий дастурини жорий этиш орқали халқ таълими тизимида кўшимча **1,2 млн. ўқувчи ўрнини яратиш**, мактабларда таълим сифатини ошириш, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида бошланғич синф ўқувчиларини босқичма-босқич **бепул овқат билан таъминлаш** кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, олий таълим билан қамров даражаси **50 фоизга** етказилади, таълим сифатини ошириш, **100 минг ўринли** талабалар тураржойларини барпо этиш, «Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали эркин ва ижодий фикрлайдиган ёшларни нуфузли хорижий олийгоҳларга ўқишга юбориш кўламини **2 бараварга ошириш**, бунда ёшларнинг **50 фоизини** техник, аниқ фанлар ва ИТ соҳаларига йўналтириш мақсад қилинган.

Стратегияда эҳтиёжманд қатламнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш, жумладан, пенсияни ҳисоб-китоб қилишда ўртача иш ҳақининг максимал миқдорини пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг **10 баробаридан 12 баробаригача** ошириш режалаштирилган. Қолаверса, давлат бюджетидан дори воситалари ва тиббий буюмларга ажратилган маблағларнинг **3 баробарга** оширилишини таъминлаш, тиббий хизматлардаги **хусусий сектор улушини 25 фоизга етказиш**, мамлакатда ишлаб чиқариладиган дори-дармон ва тиббиёт воситаларининг миқдорини **80 фоизга етказиш**, бирламчи тиббий хизматни «**бир қадам**» тамойили асосида ташкил этиш кўзда тутилган. Малакали ўқитувчи ва шифокорларнинг ойлик маошларини босқичма-босқич **1 000 АҚШ доллари** эквивалентига етказилади.

Хулоса қилиб айтганда, Тараққиёт стратегиясининг тўртинчи устувор йўналишида белгиланган мақсад ва вазифаларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, мамлакатимизда инсон қадри юқори ўринга қўйилиб, «**инсон – жамият – давлат**» деган янги тамойил асосида ижтимоий соҳадаги ислохотларнинг тубдан ўзгаришига хизмат қилади.

ЕЛВИЗАК

# КАСБ-ХУНАРЛИ АЁЛЛАР

## СЕРТИФИКАТ ОЛАДИМИ?



Олдимизда турган энг катта муаммо ишсизлик экани сир эмас. Бу муаммонинг ечими эса одамларни касб-хунарга ўқитиш ва тадбиркорликка йўналтиришдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги «Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида илк бор 136 та маҳаллаларда аҳолини касб-хунарга ўқитиш масканлари ташкил этилганди.

Кейинчалик 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат Дастурининг 147-бандида касб-хунар масканлари сонини 1 000 тага етказиш, бунда 136 та мавжуд масканга қўшимча равишда 864 та маҳаллада тикувчилик, ошпазлик-қандолатчилик, эркаклар ва аёллар саргармчилиги, компьютер саводхонлиги, бухгалтерия ва тадбиркорлик асослари ҳамда бошқа мураккаб асбоб-ускуналар талаб этилмайдиган йўналишлар бўйича касбга ўқитиш масканларини ташкил этиш вазифаси белгилаб берилганди.

Ушбу вазифаларнинг ҳуқуқий асоси сифатида 2021 йил 8 июнь куни «Ишчи касблар бўйича кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилиниб, 864 та фуқаролар йиғинида касб-хунарга ўқитиш масканлари ташкил этилди.

Ўтган даврда кўплаб хотин-қизлар касб-хунар эгаси бўлди. Қанчаси иш билан таъминланди. Бир гуруҳи эса ўз тадбиркорлигини бошлади.

Аммо Президент ташаббуси айрим ҳудудларда эътиборсизлик билан ижро этилмоқда. Жумладан, Фарғона вилояти Марғилон тумани «Янгиобод» маҳалласидан таҳририятимизга икки нафар аёл мурожаат йўллади. Бири ўқишни тамомлаб, тикув машинаси олган бўлса, иккинчиси ҳозиргача на сертификат, на тикув машинаси олган.

Аниқланишича, Фарғона вилоятидаги барча шаҳар ва туманларда мана шундай касб-хунарга ўқитиш масканлари очилган бўлиб, ўтган 2021 йилда биргина Марғилон туманидан бу масканда 30 нафардан ортиқ хотин-қиз тикувчилик йўналишида ўқиган. Бизга мурожаат йўллаган ҳамюртларимиз ҳам ана шу 30 таликка киради. Улар масканда ўқишни август ойида тамомлаган бўлсалар хануз ўқиганлари ҳақида сертификат олишолмаган. Марғилон шаҳар «Янгиобод»

**Энг ачинарлиси, вилоят бандлик бошқармасига бу сертификатлар 6 ой аввал юборилган бўлиб, ҳудуддаги масъулларнинг айби билан эгаларига етказилмаган.**

маҳалласи Қир таги 12-тор кўча 6-уйда яшовчи Наргиза Дадажоновна сертификат олмаган бўлса-да, унга тикув машинаси берилган. Иккинчи мурожаатчимиз Шахноза Холиқова эса сертификат ҳам, тикув машинаси ҳам ололмаган. Энг қизиги, тикув машинаси олиш учун мурожаат қилса, сертификатини сўрашапти. Сертификат эса...

Нега шундай бўлган? Нима учун Президент қарори ижросига масъуллар эътиборсиз ёндашган?

«Янгиобод» маҳалласи раиси Замира Нўъмонованинг айтишича, ҳар икки мурожаатчи ҳақиқатан ҳам, касб-хунарга ўқитиш масканида хунар эгаллаган. Аммо уларга сертификат берилмаганидан хабарсиз.

— Сертификат билан таъминлаш бизнинг вазифамизга кирмагани учун муаммодан хабарсизман, — дейди маҳалла раиси. — Қолаверса, ҳар икки маҳалладошимиз бизга мурожаат қилмаган. Уларни ўқитиш, касб-хунарга йўналтириш ва сертификат билан таъминлашга касб-хунар масканлари масъул. Яхшиси улардан маълум олсангиз бўлади.

Маҳала раисининг таклифига кўра, Марғилон шаҳар бандликка кўмаклашиш маркази мутахассиси Муҳайё Мамажоновна билан боғландик.

— Афсуски, мурожаатдаги муаммо тўғри кўтарилган, — дейди М.Мамажоновна. — Биргина тикувчилик йўналишида эмас, балки умумий ҳолда ҳозиргача 63 та сертификат берилмади. Улар ўтган йилнинг август ойида ўқишни тамомлашган. Ушанда 11 та шаҳар ва туманлар қаторида бизнинг Марғилон шаҳри ҳам Фарғона туман касб-хунар марказига бириктирилганди. Уларга муаммо бўйича бир неча бор мурожаат қилдик. Масъулларнинг айтишича, сертификат-

лар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан кечиктирилаётган экан.

Бу фикр қанчалик тўғри? Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги битирувчилар учун сертификатни нега етказиб бера олмаган?

**Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Мавжуда Мирзаеванинг** маълум қилишича, Фарғона вилояти Бандлик бошқармаси томонидан сертификатлар олиб кетилибди. Худуддаги ўқув марказларига ишончнома орқали берилиб, ўқув марказлар битирувчилар номига расмийлаштирар экан.

**Энг ачинарлиси, вилоят бандлик бошқармасига бу сертификатлар 6 ой аввал юборилган бўлиб, ҳудуддаги масъулларнинг айби билан эгаларига етказилмаган.**

Мурожаатчилар биз билан боғланиб, чиндан ҳам вилоят ва тумандаги масъуллар бугун-эрта сертификат билан таъминлашга ваъда берганини айтишди. Аммо бу гапларга ишонишмаяпти.

Сертификат қачон берилишини билиш учун вилоят бандлик бошқармаси мутахасслари билан боғланганимизда аввалига ҳозир шу сертификатни олаётганини айтиб, кейинроқ қўнғироқ қилишга ваъда беришди. Аммо қайта қўнғироқ бўлавермагач ўзимиз боғлашга уринганимизда ҳаракатларимиз бесамар кетди.

Ростан ҳам, шу пайтгача мутасаддилар вазирлик томонидан етказилган сертификатларни нима учун битирувчиларга етказишмаган? Бу ҳақда мутасаддилардан изоҳ кутиб қоламиз.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

**НОГИРОНЛИК НАФАҚАСИ  
ВА ПЕНСИЯСИНИНГ ЭНГ КАМ  
МИҚДОРИ ОШИРИЛДИ**

«Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони (ПФ-74-сон, 17.02.2022 й.) қабул қилинди.

Фармонга кўра, 2022 йил 1 апрелдан:

— меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақаси ҳамда иш стажига тўлиқ бўлмаган чоғдаги ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда – 440 000 сўмдан 622 000 сўмгача оширилади;  
— ўзгалар парваришига

муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парвариши билан банд бўлган боланинг қонуний вакилига ҳар ойда 500 минг сўм миқдорида нафақа тўлови (парваришlash нафақаси) жорий этилади.

Парваришlash нафақаси Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталига мурожаат асосида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан тайинланади ва тўланади.

2022 йил октябрдан 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болалар ва одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарилган касалликка чалинган 18

ёшгача болаларга тўланадиган нафақалар ҳамда парваришlash нафақаси фуқаролардан қўшимча ҳужжатларни талаб этмаган ҳолда «проактив шакл»да тайинланади.



# ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛЛАРИДА НИСБАТАН КЎП ОДАМ ЙЎЛГА ЭТИЛДИ



Ички ишлар вазирлиги маълумотига кўра, Ўзбекистонда 2021 йилда жами 10 001 та йўл-транспорт ҳодисалари (ЙТХ) содир этилган бўлиб, улар оқибатида 2 426 киши ҳалок бўлган, 9 230 киши жароҳат олган. Ҳодисаларнинг 4 698 таси пиёдалар, 1 621 таси болалар иштирокида юз берган. Аксарият «авария»лар ҳаракатни ташкил этишдаги муаммолар, белгиланган тезликка риоя қилмаслик, пиёдалар ўтиш жойи белгиланмаган жойдан кесиб ўтиш оқибатида келиб чиққан.

Қўрқинчли статистика, шундай эмасми? Йўллар инфратузилмасини яхшилаш, йўл қодаларини қайта кўриб чиқиш, қоидабузарларга нисбатан жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш, пиёдалар устуворлигига тўлақонли эришиш, имтиҳонларда коррупцияни йўқотиш жуда муҳим. Бу ҳақда куни кеча бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида Президент Шавкат Мирзиёев ҳам қайта-қайта ва қатъий тарзда таъкидлади.

**Бироқ бизни бошқа жиҳат ўйлантиради:** хўш, бу масалаларни давлат раҳбари кўтармагунча ҳеч ким кўрмадим, билмадим? Ҳар куни 6-7 киши айнан ЙТХлар оқибатида ҳалок бўлаётгани кўзимизни очмадим? Нега ҳар бир соҳанинг муаммосини Президент ҳал этиб бериши керак? Қачонгача қайсидир ҳолатга Биринчи раҳбар томонидан фикр билдирилсагина эътибор қаратилади? Сабаблар равшан, оқибат маълум, айбдор аниқ бўлса-да, нега таъсирчан чоралар кўрилмади?

ЙТХларда қурбон бўлаётганларнинг кўпчилиги қис-

мини машина ҳайдамайдиган оддий пиёдалар ташкил қилмоқда. Хўш, нега Ўзбекистон йўлларида нисбатан кўп одам ўлапти? Хориж давлатларида «авария»лар сони қандай камайтирилмоқда? Нега жазолашда чет эл тажрибасини қўллашни хуш кўрувчи масъуллар хорижнинг самарали лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этмаяпти? Ўрганишни билмаяпмизми ёки истаяпмизми?

**БИРИНЧИ МУАММО:** ўтган йили бир кунда ўртача 6-7 киши шунчаки йўлни кесиб ўтаётганда ёки, масалан, Қашқадарёдан зарур иш билан Тошкентга келаётганда ҳаётдан кўз юмган. Яна 9 мингдан зиёди жароҳат олган, уларнинг қанчаси мажруҳ бўлиб қолгани ёлғиз Худога аён. Бу нимани англатади? **Кузатувчилар бу ҳолатни пиёдалар йўлларда ҳимояланмагани, йўлларнинг пиёдалардан кўра кўпроқ машиналар учун қулай қилиб қурилгани билан изоҳлашади.**

**ТАКЛИФ:** аввало, йўлларни хавфсиз қилиб лойиҳалаштириш шарт! Кенг кўчаларда светофорсиз пиёдалар ўтиш йўлаклари бўлмаслиги керак. Кўчалардаги қарама-қарши оқимлар бетон тўсиқлар билан ажратилиши лозим. «Полоса»лар аниқ чизилган,

йўллар ёруғ бўлиши шарт. Шаҳарлар автомобиллар учун эмас, жамоат транспорти, велосипед ва пиёдалар учун лойиҳалаштирилиши керак. **Кўча қиролли «Matiz» ё «Spark» эмас, автобус, трамвай бўлиши зарур.** Одамлар ишга шахсий автомобилда эмас, жамоат транспортини да бориши қулайлигини ҳис қилиши даркор. Қисқа қилиб айтганда, шаҳар кўчалари автомобилларга эмас, одамларга хизмат қилсин.

**ИККИНЧИ МУАММО:** ЙТХларнинг 20,1 фоизда, аниқроғи, 2 009 таси ҳаракатни ташкил этишдаги муаммолар сабаб юзага келган. **Яъни ҳаракатни тўғри ташкил этишга масъул ташкилотларнинг айби билан содир бўлган.** Мисол учун, қаердадир светофор йўқ, қаердадир йўл нотекиси, яна қаердадир пиёдалар йўлакчаси, йўл белгиси етишмайди...

**ТАКЛИФ:** хориж давлатларида радар ушлаб турган ёки йўлга чиқиб, машина тўхтаётган полиция ходимларини деярли кўрмайсиз. Бироқ ўрнатилган камералар ва йўлларнинг махсус жиҳозлангани ҳаракатни полиция эмас, бошқа омиллар назорат қилишига олиб келган. Мисол учун, шаҳар ёки аҳоли зич яшовчи пунктларда

йўлларга махсус бўртиқлар ёки сунъий йўл нотекислиги ётқизилади. Бу бўртиқлар ҳайдовчини тезликни туширишга мажбурлайди, машиналар бир-бирини қувиб ўтмаслиги ва пиёдалар йўл ўртасида ўзини хавфсиз сезиши учун қилинади.

**УЧИНЧИ МУАММО:** ўтган йили 2 010 та ҳолатда белгиланган тезликка риоя қилмаслик оқибатида ЙТХлар содир бўлган. **Йўлларда пиёдалар ўтиш жойидан ўтаётган мактаб ўқувчиларини уриб кетиб, уларнинг вафотига сабаб бўлган воқеаларга ҳам гувоҳ бўлдик.** Бу ўлимларни йўқотиш, ҳеч қурса кескин камайтириш йўллари борми? Бор, албатта.

**ТАКЛИФ:** Ўзбекистон бўйлаб серқатнов катта йўл ёқаларида жойлашган таълим муассасалари олдида бутун ўқув йили мобайнида ва иш кунлари — эрталаб соат 07:00 дан кечқурун соат 19:00 гача тезлик лимити 50 км/соатга туширилиб, мактаб ё таълим даргоҳи дирекцияси радар ўрнатилишига рухсат берилиши керак. Энг асосийси — радарларга тушган қоидабузарлар тўлаган жаримасидан 75 фоизи ўша таълим даргоҳи фондига ўтказилиши лозим. Таълим даргоҳлари олдидаги пиёдалар ўтиш жойларидаги «зебра»лар йўлдан баландроқ (ётиқ полициячи усулида) қилиниши керак.

**Тўртинчи МУАММО:** ўлим билан тугаган ЙТХларнинг деярли 95 фоизда рулдаги ҳайдовчи айбдор бўлиб чиқмоқда. Тўғри, бу ўринда қайсидир автомактаб яхши ишламаётгани, ҳайдовчи «права»ни сотиб олгани, йўллар нотекислигини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин, бироқ **энг асосий муаммо — жазонинг муқаррар эмаслигида.** Оғир қоидабузарлик учун бемалол жазосиз қолиш мумкин, ҳатто шу даражадаки, қоидабузарни жазолаш лозим бўлган масъул, керак бўлса, унга яхши гапириб, оқ

йўл тилайди.

**ТАКЛИФ:** оддийгина камар тақмаганлик учун ҳам жазо муқаррар бўла бошласа («қизил»дан ўтганлик учун «ҳайдовчининг оилавий шароити оғирлиги ва ер думалоқлиги учун» ёзилган «ремень-штраф» ҳақида эмас гап), шу кундан ЙТХлар ҳам камаяди, йўллар ҳам бир қадар хавфсиз кўриниш олади. Қолаверса, қоидабузарликнинг жиддийлигига қараб, **оғир жарималар, ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум қилиш, керак бўлса, транспорт воситасини мусодара қилиш** каби жазо чораларини қўллаш зарур.

**БЕШИНЧИ МУАММО:** жамоатчилик назорати ишламайди. Бизда йўлда «ГАИ» йўқми, демак, менга ҳамма нарса мумкин, деган тушунча шакланган. Қоидабузарликлар ҳақида хабар беришни эса «козёл»ликдан олиб, «терпила»ликка солдик. Ҳатто бу ҳолатга шунчалик қарши чиқилдики, ташқи душман кириб келиши ҳам бизни бунчалик бирлаштирмас керак.

**ТАКЛИФ:** ривожланган давлатларда айнан жамоатчиликнинг ёрдами билан жамият тарбияланган, маданият шакланган. Шу боис биз ҳам жамоатчилик назоратини кучайтиришимиз шарт. Беписандлик билан «қизил»да ўтадиган, йўлларда «авария» ҳолатини юзага келтирадиган ва бошқа қоидаларни кўпол равишда бузган шахслар ҳақида иккиланмасдан хабар бериш керак. Токи ўша қоидабузар кимдир босиб кетишини кутиш шарт эмас... Тўғри, имкон берилди, фойдаланиб қолиш керак, деб вақтинчи фақат светофор ёки чорраҳада ўтказаетганларни оқлаб бўлмайди. Бу ҳолатда ҳолисликни ҳам унутмаслик керак.

Юқоридагилар йўлларни хавфсиз қилиш учун хизмат қилувчи таклифлар, холос. Уларнинг биттаси, масалан, шаҳарларда тезликни камайтириш билан масала ҳал бўлиб қолмайди. Бу муаммоларга комплекс ёндашиш керак. Бунда эса велосипед яратиш шарт эмас, бу муаммо ривожланган давлатларда аллақачон ҳал қилиб бўлинган. Шунчаки ўрганиш керак...

Санжар ИСМАТОВ.



# МАҚСАД – ХАЛҚНИНГ РОЗИЛИГИНИ ОЛИШМИ ЁКИ...

Ободонлаштириш мақсадида пойтахтимиздаги Космонавтлар майдонида жойлашган Владимир Жонибеков ҳайкали олдидаги гранит плиталарни алмаштириш жараёни қурилиш ишлари рухсатсиз бажарилганлиги сабабли тўхтатилди. Бу ҳолат Маданий мерос агентлиги ва Вазирлар Маҳкамаси маданий мерос инспекцияси вакиллари аралашгач рўй берди.

**Маълумот учун:** Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Космонавтлар проспектида жойлашган Владимир Жонибеков бюсти (Коинот ёдгорлиги) Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2019 йил 28 июндаги 411-сонли буйруғига асосан, моддий-маданий мерос объектлари давлат кадастрига киритилган ва давлат муҳофазасига олинган.

**Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиқхўжаев**нинг таъкидлашича, барча ишлар келишилган, маҳалланинг, халқнинг розилиги олинган. Мақсад – шу жойни обод қилиш, аҳоли розилигини олиш.

**Агар Тошкент шаҳар ҳокими ҳақиқатдан ҳам аҳоли розилигини олмоқчи**



**бўлса, пойтахтда бундан ҳам муҳим вазифалар турибди.** Биргина мисол, Яшнобод туманидаги Уйсозлар ва Қурувчилар кўчаларидаги асосий транспортлар ҳаракатланадиган йўл неча йилдирки таъмирталаб аҳволда. Бу борада «Mahalla» газетасида танқидий мақола эълон қилинган, туман ҳокими ушбу манзилда бўлиб, жорий йилнинг 15 февралдан мазкур Уйсозлар ва Қурувчилар кўчаларида мукамал таъмирлаш ишлари

**Пойтахтда йўл, ичимлик суви, канализация, электр тармоқларидаги ўткир муаммоларга ҳам ечим топиши керак.**

олиб борилиши айтилганди. Таъмирлаш жараёнида Уйсозлар ва Қурувчилар кўчаларида (собиқ «Панельный» массиви) узунлиги жами 2,8 км.лик автомобиль йўлига 35 700 кв.м. асфальт қопламаси ётқизилиши, 1800 п/м пиёдалар йўлига ва велоўлак барпо этилиши, 670 метр ёруғлик ва 850 метр ирригация тизими янгиланиши, шу билан бирга, аҳоли сайр ва дам олиш ҳудудлари ташкил этилиб, ободонлаштириш ишлари амалга оширилиши

хабар қилинганди. Бироқ жиддий таъмирлаш ишлари бошлангани йўқ.

Бундан ташқари, пойтахтда йўл, ичимлик суви, канализация, электр тармоқларидаги ўткир муаммоларга ҳам ечим топиши керак. Қолаверса, замонавий инфратузилма, кўп қаватли уйлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш, ижтимоий кўмакка муҳтож инсонларни оғир турмуш шароитдан қутқариш ниҳоятда долзарб масала. Буни Республика ишчи гуруҳи томонидан ўрганилаётган муаммолар ҳам тасдиқламоқда.

Хусусан, Бектемир тумани «Ийк ота» маҳалласи Темирчилар кўчасидаги паллартириш қурилган уйлар, «Гулбоғ» маҳалласидаги уйсизлар, Миробод тумани «Қорасув» маҳалласидаги умумий ётоқхонадаги абгор ҳолатлар, «Тонг юлдузи» маҳалласи 22-кўп қаватли уйда яшаш учун шароит йўқлигидан ҳам билиш мумкин. Мазкур маҳалла ҳудудидаги 121 йил олдин қурилган уй ҳам ачинарли аҳволда.

Яшнобод тумани «Чинор» маҳалласи Мураббийлар 1-берк кўчасининг йўллари таъмирталаб, «Арғин» маҳалласи ҳудудидаги ариқ ва унга туташ эски бино ҳам қаровсиз, абгор. «Олмос» маҳалласи 17-уй бош-адоқ муаммолар гирдобиди. Ушбу маҳаллага туташ Чирчиқ дарёси бўйи эса чиқиндилар билан тўлиб тошмоқда. Тумандаги «Илтифот» маҳалласидаги 50дан зиёд 2 қаватли уйлар ҳам абгор аҳволда.

Яшнобод тумани «Ибрат» маҳалласидаги 340-мактаб, Бектемир тумани «Янги Нурафшон» маҳалласидаги 346-мактаб бинолари ҳам ачинарли ҳолатда, таъмирга муҳтож. Бектемир тумани «Янги ҳаёт» маҳалласидаги 108-боғча ҳамда Мирзо Улуғбек тумани «Дўстлик» маҳалласидаги 70-оилавий поликлиникада ҳам талай муаммолар ечимини кутиб турибди.

**Агар Тошкент шаҳар ҳокими ҳақиқатдан ҳам аҳоли розилигини олмоқчи бўлса...**

## ЛУҚМА

**НЕГА ЖИМСИЗ? НЕГА ДОИМ СУКУТДА?**

Яшилликка бурканган, ўз номи билан миллийлик уфуриб турган «Миллий боғ»нинг йўқ қилинишига йиллар ўтса-да, одамлар ҳануз кўника олишмаяпти.

Илгари «Комсомол кўли» номи билан танилган мўъжаз кўлга эга бўлган Миллий боғ 1939 йилда очилган. Демак, боғнинг барпо этилганига 83 йил бўлибди. Унинг яратилишида шаҳар аҳолисининг ўзи иштирок этган. Бу бўйича музейларда фотосуратлар сақланиб қолган. Биз ўз кўлимиз билан тарихни йўқ қилибмиз-да, тарих бизни кечирармикан?

Бугун космосдан олинган тасвирларда нафақат қуриган кўл, балки тижорат ёки маъмурий биноларнинг боғ ичига «бостириб киргани» ҳам акс этган. Расмийлар шаҳар аҳолисининг боғларга тегмаслик ҳақидаги кўп қабил қарорларини эътиборсиз қолдиришди.

**Сувни қуритган сувга зор бўлади.** Аслида биргина Орол денгизининг қуриши катта сабоқ бўлиши керак эди. Аммо шаҳарнинг карча-

лонлари мавжуд кўллари қуриши билан овора. Миллий боғнинг ҳам кўли қуриди ҳисоб. Бунинг ҳисоби, табиатга етадиган зарари товонини ким тўлайди? Бу аллақачон Тошкент шаҳри ҳаво сифатига таъсир кўрсатиб улгурган.

**Тенгсизлик.** Шаҳар боғлари ўрнига аллақандай номга эга бўлган бундай биноларнинг қад кўтариши, нафақат яшил табиатга путур етказди, ижтимоий ва иқтисодий тенгсизликни кучайтиради. **Тадқиқотга кўра, боғларни яратиш ва сақлашга сарфланган ҳар бир доллар соғлиқни сақлаш харажатларидан қарийб 3 долларни тежайди.**

Дунёнинг озми-кўпми ривожланган шаҳарларининг барчасида анчадан буён аттракцион боғлар шаҳар ташқарисида барпо этилади. Мисол учун, Украинада «Совки» парки янгиланиб, тикланди. Янгиланган боғда на кафе, на дўкон, на аттракцион мавжуд. Бишкекда янги боғлар ва хиёбонлар барпо этилмоқда, пиёдалар учун яшил зоналар кўпайтирилмоқда.

**Бизда-чи? Барчаси аксинча.**

Нима қилиш керак? **Ҳар қандай лойиҳани амалга оширишдан олдин аҳолининг фикр-мулоҳазалари инобатга олиниши шарт.**

Конституциянинг 50-моддасида: «Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар», дейилган. Бировни айблаш ҳар доим ҳам осон, аммо дарахтларни, шаҳар боғларини асраш, ҳаво сифати ва экология каби мавзунларнинг аксарияти биз шахсан тўқнаш келганимиздагина бизни ташвишга солишни бошлайди. **Ҳар биримиз ўз сукутимиз билан шаҳар боғларининг йўқ қилинишига ҳисса қўшяпмиз.**

**Шу ўринда савол туғилади: Миллий боғдаги яшилликнинг йўқ қилиниши борасида нега Экология қўмитаси ёки экопартия бирон марта қизиқиб ҳам кўрмади? НЕГА УЛАР ЖИМ? НЕГА ДОИМ СУКУТДА?..**

Нилуфар ЮНУСОВА.

Мақсадбек ҚҮЧҚОРОВ.

## ШАМОЛГА ДОШ БЕРОЛМАГАН БИНОЛАР ЗИЛЗИЛАГА БАРДОШЛИМИ?

Грузияда 6,5 баллик зилзила юз берди. Бу — анча хавфли кўрсаткич. Омадни қарангки, оқибатда бирорта ҳам бино йиқилмаган. Ҳеч ким жиддий жабр кўрмаган. Айрим ҳолларда хоналар ичидаги жиҳозларнинг йиқилишидан жароҳатланганлар бор. Бу нимани аниқлатади? Грузин қурувчилари ўз ишларига масъулият билан ёндашиб келганини ёки худо асраганини? Кўргулик қилмасину, агар...

Расмийлар, олимларимиз биноларимиз 9 баллга бардош бериши мўлжалланиб қурилиши тўғрисида кўп гапиришади. Аммо биз кўриб турган ҳолатлар бунинг аксидан дарак бермоқда.

Зилзилаларни қўйиб турайдик, оддий шамолдан қулаётган бинолар йўқ, дейсизми? Мисол учун, Боёвутда шамол бино ва уйларнинг томини учириб кетди. Тумандаги Халқ банки филиалининг биноси буткул томсиз қолган. Ўтган йили Каттақўрғонда шамол коллеж спорт зали ва қатор бошқа иншоотлар томини учириб, бошпанасиз қилиб қўйганини ҳамма эслайди. Хоразмнинг Хонқа туманида жиноятчи ва коррупционерлар, қурилишда ўғирликларга йўл қўйганлар устидан жараёнларни олиб борадиган туман суди биноси томи бир лахзада ер билан битта бўлган. Яхшики, бирорта ҳам судья жабр кўргани йўқ (йўқса, шамол ҳам жинойи жавобгарликка тортилармиди?)

Яқиндагина, яъни 16 январь куни Самарқанд шаҳар Гагарин кўчасида уйнинг томи эсган шамол сабаб кўтарилиб пастга тушган. Деновда қатор кўп қаватли турар жой бинолари билан ҳам худди шу ҳолат содир бўлган. Шу йилнинг январь ойида учган Қаршидаги бозор томини эсламасак ҳам бўлади. Худди шу каби ҳолатлар Наманганнинг Мингбулоғида, Бухорода, Навоийда, Қорақалпоқда, Андижонда, Тошкентда, уму-

ман республикамизнинг барча ҳудудларида тез-тез такрорланмоқда.

Ҳаммасининг томи учган, бирортаси қулагани йўқ-ку, дейишингиз мумкин. Бу ҳолда баъзи мансабдорларнинг очкўзлиги туфайли шамолсиз ҳам қулаган айрим биноларни айтиб ўтишга тўғри келади.

Хўш, оддий ва ҳақли савол туғилапти: шамолга дош беролмаётган биноларимиз, худо сақласин, сал жиддийроқ зилзилани кўтара олармикин?

Масала юзасидан Сейсмология институтига мурожаат қилсак, бу иш билан Механика институти шуғулланишини



айтишди. Сейсмолог сифатида бирор фикр билдиришни сўраганимизда ҳам жўяли жавоб ололганимиз йўқ. Механика ва иншоотлар сейсмик мустақамлиги институти илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Ражаббой Худойкулиев эса мазкур масала тўлиғича Қурилиш вазирлиги зиммасига юкланганини таъкидлаган. Гап орасида ҳозирда институти бошқа ташкилот биносида ўтириши, эски жойдан кўчирилганидан сўнг ажратилган янги бинога таъмир давом этаётгани учун ҳали кўчиб ўтилганини айтди. Тушунишимизча, институтнинг қимматбаҳо тажриба қурилмалари ҳозирда омборларда сақланипти.

**Хўш, оддий ва ҳақли савол туғилапти: шамолга дош беролмаётган биноларимиз, худо сақласин, сал жиддийроқ зилзилани кўтара олармикин?**

Мутахассис биз кўтарган масала юзасидан янгилик ва бошқа гаплар кўплигини билдирмоқда. Умуман эса мамлакатимизда қурилатган янги кўп қаватли биноларнинг 9 баллга дош бериши назарда тутилиши мазкур мутахассис томонидан ҳам таъкидланди.

Олим ва мутахассислар шундай дейишгач, биз нима ҳам дердик. Фақат ҳали битмай қулаётган, топширилганига уч йил тўлмасдан деворлари ёрилиб, туллаб кетаётган сал шамолга учиб кетаётган иншоотларни эслаб, ЎЗИ асрасин дея дуо қилишдан ўзга чорамиз йўқ.

Улуғбек ИБОДИНОВ.

## ВАЗИЯТ

### ЭЛЕКТРОМОБИЛ

саноати ҳам монополияга айланадими?

2021 йилда Ўзбекистонга 11 та хорижий давлатдан 16,9 млн. долларга тенг бўлган 809 та электромобиль импорт қилинган. Уларнинг 90 фоизи Хитойдан олиб келинган. Эътиборлиси, электромобиллар импорти 2020 йилга нисбатан 679 тага ёки 6,2 бараварга ошган.

Бундан кўринадики, Хитой электромобиллари нархи бошқа давлатларга қараганда арзонроқ. Шу боис «UzAuto» компанияси Хитойнинг энг йирик BYD компанияси билан ҳамкорликда Ўзбекистонда электромобиллар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда.



Ўйлаймизки, ушбу лойиҳа 2020 йил ярим йилда «Labo»автомобили базасида электромобиль яратиш лойиҳаси сингари иссиз кетмайд.

**Маълумот учун:** 2019 йил 1 январдан Ўзбекистонга электромобиль импорти учун бож тўлови бекор қилинган, ўша йил июль ойига бориб **акқиз солиғи** ҳам олиб ташланган. Айни пайтда четдан енгил электромобиль олиб киришда 20 евро божхона йиғими ва 15 фоизлик ҚҚС тўлаш кифоя.

**Демак,** эндиликда ўзимизда ишлаб чиқарилган электромобилдан фойдаланиш имкониятига эга бўламиз. Энг муҳими, «Кўқон» эркин иқтисодий зонасидаги «Шаффоф омадли саноат» қўшма корхонаси Хитойнинг «Silk Road Company» компанияси билан ҳамкорликда йилига 2 минг дона электромобиль ишлаб чиқариши муддати (2022 йил 1 октябрь) ўз вақтида амалга оширилиши зарур. Йўқса, «UzAuto» компанияси электромобиль бозорида ҳам ўзбек халқига танлов имкониятини қолдирмасдан монополия яратиши мумкин.

**Айтмоқчи,** Австриянинг «PARALPINE MANAGEMENT GMBH» компанияси билан ҳамкорликда 2020-2021 йилларда «Navoiy-Motors» хусусий корхонасида пикап, кичик юк машинаси, минивен, йўл танламас автомобиллар билан бирга, электромобиль ҳам ишлаб чиқарилиши белгиланган эди. Аммо бу лойиҳанинг тақдири ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга бўлмадик.

**Таклиф:** юртимизда қандай электромобиль ишлаб чиқарилишидан қатъи назар, аввало, халқимизга мос чўнтакбоп, қулай ва сифатли, узокроқ масофага ҳаракатлана оладиган электромобиллар ишлаб чиқарилиши лозим. Қолаверса, электромобилларни қувватлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳам ҳал этиш зарур. Негаки, республикамизнинг барча ҳудудлари барқарор электр энергияси билан таъминланмаган. Энг муҳими, автомашинада носозлик кузатилса, унинг эҳтиёт қисмларини топишда муаммолар бўлмаслиги шарт.

Достон РУСТАМОВ.

# КУЧЛИ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ДОРИЛАРНИНГ НОҚОНУНИЙ САВДОСИ ТЎХТАМАЯПТИ




Ўтган йили пойтахтимизда фаолият кўрсатувчи «Aziza pharmacy plus», «Farm luks», «Atsefenak farm», «Gulshana pharm servis», «Impulus farm trade», «City open», «Farm standart navoiy», «Salus onico» МЧЖларга қарашли қатор дорихоналарда кучли таъсир қилувчи дори воситаларининг ноқонуний савдоси амалга оширилгани аниқланган эди. Аммо қонунга зид бундай қилмишлар ҳамон давом этаётгани сир эмас.

Яқинда Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳамда ДХХнинг Тошкент шаҳар бошқармалари томонидан ўтказилган тезкор тадбирларда Яшнобод ва Шайхонтохур туманларида «Зардек» «Регален» ва бошқа кучли таъсир қилувчи дори воситаларини қонунга зид равишда сотиб келган дорихоналар фаолияти фош этилгани фикримизга исботдир.

Аслида тиббий дорилар савдосидаги қинғирликлар кўп йиллардан буён оғриқли масала бўлиб келаётди. Ҳали қалбаки дорилар сотилиши, ҳали даволувчи препаратларнинг нархи қимматлиги муаммога айланади.

Кучли таъсир қилувчи дориларнинг ноқонуний сотилиши эса янада ташвишланарлидир. Чунки бу препаратларни қабул қилиш, биринчи навбатда, организмга зарарли таъсир кўрсатиб,



касалликларга сабаб бўлади. Энг ёмони, ушбу дориларга тобелликни, кўп миқдорда қабул қилмаса турулмасликни келтириб чиқаради. Бу юрак фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб ўлимга олиб келиши ҳеч гапмас. Қаранг, дори-дармон савдосидаги айрим нопок кимсаларнинг юқо нафсини тўйдиришга қаратилган тизгинсиз интилиши қанчалик кўрқинчли оқибатларни юзага келтириши мумкин.

Маълумки, мамлакат Президентининг 2019 йил 6 сентябрда қабул қилинган «Дори воситалари ноқонуний айланишининг олдини олиш чораларини кучайтириш тўғрисида»ги қарорига кўра, 2019 йил 1 декабрдан бошлаб таркибда кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларининг чакана реализацияси (берилиши) фақат ижтимоий дорихоналар, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни сақлаш ва реализация қилиш (бериш) фаолиятига лицен-

**Одамларимизнинг тиббий саводхонлиги, зарарли дори воситаларидан хабардорлигини ошириш, фарзандларини психотроп моддаларга тобелликдан асрашга ўргатиш муҳим масала.**

зияси бўлган дорихоналар томонидан амалга оширилиши белгиланган. Мазкур талабларга зид иш тутган дорихона эгаларига қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш чоралари кўрилади. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан уларнинг лицензия олиб кўйилади ҳамда 3 йил давомида жавобгар шахсга лицензия берилиши ва муассасада дори-дармон савдосини амалга оширилиши тақиқланади.

Афсуски, ўрнатилган ушбу тартиб барча дорихоналарда тўлиқ амал қилмаётди, бу борада амалга оширилаётган назорат ишлари етарли самара бермаяпти.

Аслини олганда, бундай дориларга эҳтиёжманд беморлар борлигини эътибордан қочириб бўлмайди. Хўш, уларга мазкур воситалар етарли даражада етказиб берилаяптими?

Маълумотларга қараганда, кучли таъсир қилувчи дори воситалари аҳоли сони ва касалланиш даражасининг уч йиллик статистикасига қараб экспорт қилинади. Масалан, биргина «Тропикамид» дори воситасини оладиган бўлсак, ушбу препарат кўз касалликлари шифохоналарида диагностика қилиш ва бошқа муолажаларда ишлатилади. Ушбу фармацевтик маҳсулот ижтимоий дорихоналарга қатъий белгиланган миқ-

дорда олиб келинади ва беморларга фақатгина рецепт асосида берилади. Кўча-кўйда ва айрим дорихоналарда ноқонуний сотилаётган кучли таъсир қилувчи дори воситалари эса юртимизга контрабанда усулида олиб кирилади ва сотилади. Демак, божхона ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар назоратни етарли даражада олиб боролмаяпти.

Шу ўринда одамларимизнинг тиббий саводхонлиги, зарарли дори воситаларидан хабардорлигини ошириш, фарзандларини психотроп моддаларга тобелликдан асрашга ўргатиш муҳим масала эканини таъкидлаш жоиз. Чунки тиббий саводхонлигимиз пастлиги учун кўпинча кучли таъсир қилувчи дори-дармонларни қабул қилишга мойилмиз. Баъзан ожизлигимизни сезган қаллоб дорихоначи ёки дўхтир бизга айнан шу воситаларни таклиф этади. Ушбу дори маълум вақт оғригимизни қолдиришга хизмат қилиши мумкин, лекин унинг асорати баргараф этиб бўлмас аҳволга олиб келади. Бу ҳолатларга чек қўйиш учун тиббиётчилар, фармацевтлардан иборат тарғибот гуруҳи тузилиб, аҳоли ўртасида зарур тушунтириш ишларини амалга ошириши талаб этилади.

Шунингдек, худудлар, маҳаллалар доирасида телефон рақамлари, телеграм гуруҳлари орқали маслаҳатхоналар ташкил этилиши ҳам катта фойда беради. Шунда бемор инсонлар даволаниш борасида нотўғри воситаларни қўллаб вақтнинг ўтказиб юравермай, ишончли маълумотлар асосида соғайиш чораларини қидиришади.

Ушбу жараёнда истеъмолчи ҳуқуқини бузаётган дорихоналар ходимларининг қилмишлари ўрганилиши ва уларга нисбатан янада таъсирчан чоралар қўлланилиши алоҳида аҳамиятга эга. Ахир бунинг оқибатлари наркотик моддалар савдосининг зараридан кам эмас. Демак, парламент вакиллари кучли таъсир қилувчи дори воситаларининг ноқонуний савдоси бўйича жавобгарликни кучайтириш масаласини кўриб чиқишлари зарур.

Тўлқин ШЕРНАЕВ.

## РУҲИЙ ТОБЕЛИКНИ ДАВОЛАШ МУШКУЛ

Кучли таъсир қилувчи дори воситаларига ўрганиб қолганлар орасида 2 хил тобеллик келиб чиқади. Руҳий ва жисмоний.

Шифокор жисмонан тобелликни 1 ҳафтада даволаши мумкин. Масалан, дори таъсирини тушиб қолгач, уни истеъмол қилмай кўйса, юзага келадиган кўп терлашлар, ҳолсизлик, иштаҳа йўқлиги, оёқ-қўллар ва бўғимларда оғриқларни тез даволашнинг имкони бор.

Энг ачинарли ҳолат, бу руҳий тобелликдир. Уни керак бўлса, бир умр даволашга тўғри келади.

Дорилар инсон организмдаги қон томирларни

жуда тез кенгайтириб юбориши мумкин. Бунда хушдан кетиш ҳолатлари ҳам кузатилади.

Кайф ҳолати деганда мия фаолиятига кучли таъсир тушунилади. Бу секунд даражасидаги таъсир ҳисобланади. Шу таъсирни излаб, беморлар ўша дориларни дозасини кўпайтириб қайта-қайта истеъмол қилишади.

Агарда кучли таъсир қилувчи дорилар бирданига кўп миқдорда истеъмол қилинса, организмда захарланиш ҳолати кузатилади. Бу ҳатто ўлим билан тугаши мумкин.

Кўп беморлар келиб “бу оддий дори-ку, бурунга сепаман, холос. Мен бунинг ичмайман ёки инъекцион ҳолатда қабул қилмайман. Бунинг организмга таъсири унчалик кучли эмас. Мен бемалол бу йўлдан чиқиб кета оламан”, дейишади.

Аммо бу дорилар инсон организмга жуда қаттиқ салбий таъсир кўрсатади. Чунки қон томир орқали сўрилган ҳар бир дори ички организмдан ўтади. Жигар, буйрак фаолиятига, юрак соҳасига таъсир ўтказади. Кўпгина ҳолатларда юрак соҳасида катта ўзгаришларга олиб келади.

Наргизхон СОДИҚОВА,  
нарколог.

# МАҲАЛЛИЙ УРУҒ НАВЛАРИМИЗ ҚАЧОН ИМПОРТ ЎРНИНИ ЭГАЛЛАЙДИ?



Бугун кўпчилик аҳоли ёшлигидаги помидор, қовун, тарвуз, узум, хурмо, анор, олма, ҳатто, ошқовоқнинг қанчалар ширин бўлгани ҳақида кўп эслайди. Нега? Чунки ҳозирда расталарни беазаган йирик олма, анорлар, узум, хурмо, қовунлар ёшликдаги мевалар мазасини бермаяпти. Ҳўш, бунга сабаб нима?

Авалло, бунга асосий сабаб – экологиянинг кескин ёмонлашуви, иқлим ўзгариши, ҳудудга мос уруғ навларининг танлаб экилмаётганидир. Бундан, айниқса, деҳқончилик билан шуғулланувчи томорқа ер эгалари қийнаलिшмоқда.

**Сабаби** аҳолининг аксарият қисми ўз ҳудудида қандай навли уруғларни экишни билишмайди. Улар асосан, уруғ сотувчиларнинг маслаҳатига қўлоқ тутишади. Ачинарлиси, бугун маҳаллий навлар ўрнини дурагай (импорт) уруғлар эгаллаб олди. Деҳқонларнинг ҳам маҳаллий навларга ишончи йўқолган. Шу боис бозорларда ана шундай уруғ ва кўчатларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Бироқ хориждан келтириладиган уруғларга ҳам ишонч бўлмапти. Чунки уларнинг ҳам аксарияти юртимиз иқлимига, тупроғига мос келмаяпти. Сотувчилар эса юз фоиз «кафолат», дея уруғларни пуллашмоқда. Сертификатини сўрасангиз, бир парча қоғоз беришади. Кутилган натижа бўлмаса, айбни ўзингизга ағдаришади. Алалоқибат, ўртада яна оддий деҳқон жабр кўрмоқда.

## Уруғларга кафолат йўқми?..

Бугун аксарият деҳқонлар маҳаллий навлар йўқолиб кетганидан, ҳудуд иқлимига мос кафолатли уруғлар йўқлигидан куйинмоқда. Ўн йилдан буён помидорчилик билан шуғулланиб келаётган нишонлик деҳқон Ҳусниддин Чоршанбиев ҳам шулардан бири.

– Бизни қийнаётган энг катта муаммо, ишончли уруғ йўқ, – дейди деҳқон Ҳусниддин Чоршанбиев. – Бу борада маслаҳат берадиган бирор марказ ёки агроном-мутахассислар ҳам йўқ. Шу боис ўз

тажрибамиздан, тажрибали деҳқонлар ва «IFODA Agro Kitmo Himoya» мутахассислари маслаҳатидан келиб чиқиб, уруғ танлаймиз. Бу ёғи энди лоторея бўлади, яхши чиқса хўп-хўп, ёмон чиқса пулимизга куйиб, яна қайта харажат қилиб, тайёр кўчат сотиб олиб экин-тикин қиламиз. Бу йил ҳам куйгандайман: яқинда Тошкентдаги «Кўйлик» деҳқон бозоридан 4 пачка – ҳар бири 195 минг сўмдан «Лажайн» номли помидор уруғи сотиб олгандим. Ажабланарлиси, бу уруғ ҳақида идишида на рус тилида, на ўзбек тилида маълумот бор. Фақат инглиз тилида нималардир ёзилган. Экаётганда билдимки, қути ичидаги уруғ туси ҳам икки хил – бири сариқ, бири қизил рангда. Юз фоиз униб чиқади, деб сотган сотувчининг айтган вақти ҳам ўтиб кетдики, уруғларнинг 50 фоизи ҳам униб чиқмади. Вақт эса ўтиб борапти. Шу боис кеча 4000 та тайёр кўчатга буюртма бериб, экиш учун 1 млн. сўмга плёнка ва бошқа керакли жиҳозларни харид қилдим.

Узоқ йиллардан буён Қарши шаҳрида уруғчилик савдоси билан шуғулланувчи Мавжуда исмли аёл ҳам уруғларни Тошкент шаҳридаги «Агроконтинент» номли дилерлик корхонасидан олишни айтиб, улар ҳам, ўзи ҳам кафолат бўйича сертификат бермаслигини, фақат оғзаки кафолат беришини айтди.

## Мутахассис нима дейди?

Бироқ 1995 йилдан буён уруғчилик соҳасида фаолият юритиб келаётган «Агроконтинент» МЧЖ билан боғланганимизда бу фикрларни инкор этди. Корхона ходими Ҳасан Алиевнинг маълум қилишича, бу соҳада тизим яхши ишламаслиги оқибатида аксарият деҳқонлар «Кўйлик» деҳқон бозори каби турли бозорларда ҳеч қандай ҳужжатсиз, ноқонуний йўллар билан олиб келирилиб ёки қўлбола усулда тайёрланиб, нархи нисбатан арзонроқ сотилаётган уруғларга учиб пулига куйиб қолишмоқда. Бунинг натижасида аҳолида уруғчилик корхоналар фаолиятига ҳам ишончсизлик

**Юқори сифатли маҳаллий нав уруғчиликчиқариш ҳажми аҳолимиз талабларини тўла қондириш учун етарли эмас.**



йўқолиб, салбий таъсир ўтказяпти экан.

**Мутахассиснинг маълумоти беришича**, кўчат етиштириш учун тупроққа қадалган помидор уруғи 15-18 градус иссиқлик температураси билан таъминланиши зарур. Далага экилган кўчатнинг гуллаш даврида эса ҳаво ҳарорати 30 градус иссиқликдан ошмаслиги керак.

Буни қарангки, Ҳасан Аллаев ўша машҳур маҳаллий «Юсуповский» помидор навини қайта генлаштириб, иқлимимизга мос, ширин, маза таъмига эга навини қайта яратибди. Қизиғи, бу тажриба ўзимизда эмас, Ҳиндистонда амалга оширилибди. Чунки ўзимизда етарли ер ажратиб берилмаган, тажриба-синнов майдонидаги 20 гектар ерни айтмаганда. Айтишича, яқинда қанчадир миқдорда Ҳиндистондан «Юсуповский»нинг янги нав уруғи юртимизга келтирилган экан.

**Ўрганишларимиздан маълум бўляптики**, уруғчилик ва кўчатчилик билан шуғулланувчи мутахассисларни ер

муаммоси қийнамоқда. Бу масалада Қарши тумани «Парвуза» маҳалласида узоқ йиллардан буён мевали дарахт кўчатчилиги билан шуғулланиб келаётган Жамшид Эргашев ҳам тегишли мутасаддиларга бир неча бор мурожаат қилишига қарамай, амалий кўмак бўлмаётганини билдирди.

**Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор, селекционер олима Махфурат Амонованинг** айтишича, бугун олимларимиз томонидан импорт ўрнини босадиган, иқлимимизга мос, ҳосилдор барча сабзавот ва полиз экинларининг маҳаллий навлари яратилмоқда ва бирламчи уруғчилиги билан асосан илмий-тадқиқот институтлари шуғулланилмоқда.

– Республикаимизда сўнгги йилларда уруғчиликни ривожлантириш маркази ташкил этилиб, мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган элита уруғчилик хўжаликлари ташкил этилди, лекин улар томонидан юқори сифатли маҳаллий нав уруғчиликларини ишлаб чиқариш ҳажми аҳолимиз талабларини тўла қондириш учун етарли эмас, – дейди **Махфурат Амонова**. – Бироқ яратилган уруғ навларнинг рекламаси, тарғиботи йўқлиги сабаб, аҳолимиз беҳабар қолишяпти. Бунга асосий сабаб, анча йиллар илм аҳли билан деҳқонлар ўртасидаги мулоқотнинг узилишидир. Мана энди селекционер олимлар билан деҳқонлар мулоқоти қайта тикланмоқда. Жойларда семинарлар ташкил этилиб, деҳқонларга маслаҳат ва кўмак бериляпти.

**Бироқ бу етарли эмас.** Олимларимиз яратган янги навларга етарлича эътибор қаратилиб, кенг оммалаштирилмаяпти. Масалан, Махфурат Амонова яратган ҳосилдор ерэнғоқнинг экспортбоб, йирик уруғли «Мумтоз» ва «Лидер» навларидан кўпчилик деҳқонлар беҳабар. Аммо селекционер олимани ушбу навларни Россиянинг жанубий шарқда жойлашган Волгоград вилояти майдонларида экиш ишларида маслаҳатчи сифатида таклиф

этишмоқда. Ёки истеъмол ёғи учун яратилган «Қора шахзода» номли кунжут уруғини олайлик. Бу ҳам дала майдонларимизга экиш учун кенг оммалаштирилмаган. Бироқ маҳаллий тадбиркор, туркиялик ҳамкор билан биргаликда ушбу навни ўзимизда оммавий экишни бошлади.

## Аслида-чи?

Президентнинг 2020 йил 30 июндаги «Аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самардорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тупроқ-иқлим хусусиятларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалик экинларининг уруғ ва кўчатларини ҳудудлар кесимида экиш, етиштириш ва сифатли маҳсулот олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқирилиши ва жойларга етказилишини таъминлайди. Мазкур ҳужжат билан аҳоли томорқаларига кафолатланган кўчат ва уруғларни тизимли етказиб бериш, маҳсулотларини сотишни ташкил қилиш учун вилоятлар ва туман(шаҳар)лар марказий деҳқон бозорларида, аҳоли гавжум пунктларида «Томорқа хизмати» МЧЖлар учун махсус савдо майдонлари ҳамда иссиқхона, совутгичли омборхоналар, чорвачилик мажмуалари қуриш учун ер майдони ажратиш белгиланган.

\*\*\*

Хулоса шуки, касалликлар, зараркунандалар ва экологик шароитнинг кескин ўзгаришларига чидамли дурагай навларни тезроқ яратиш, яратилганларини кенг жорий этиш зарур. Йўқса, келажакда тўғридан-тўғри дурагай сотадиган давлатларга иқтисодий қарам бўлиб қоламиз. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий бойлигимиз бўлган ўсимлик навларнинг йўқолишига хизмат қилади. Қолаверса, четдан олиб келаётган дурагайлар орасида биз кўрмаган, текшира олмаган, яъни сунъий равишда ҳосил қилинган ўсимликлар касалликларининг уруғлари киритилаётганини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Рустам ЮСУПОВ.



Ҳозир ишлаётган айрим қонунлар коррупцияга йўл очади ёки соф рақобатга йўл бермайди.

НИГОҲ

# ЭРТАЛАБКИ ВАЪДА



тушликка келиб  
тўғри келмай қоляпти...

Ўзбекистон «Heritage Foundation» халқаро ташкилотининг йиллик «Иқтисодий эркинлик индекси-2022» рейтингдаги 177 та давлат орасида 117-ўринни эгаллаган ва иқтисодий асосан эркин бўлмаган мамлакатлар гуруҳида қолдирилган.

«Мамлакатда гарчи кўчмас мулкка эгаллик ҳуқуқи одатда ҳурмат қилинса-да, коррупция кенг тарқалгани сабабли мулк ҳуқуқларини таъминлаш жуда қийин. Суд тизими мустақил, лекин ҳукумат аралашуви кўпроқ сезилади. Бюрократияда пулхўрлик ва порахўрлик кенг тарқалган», — дейилади ҳисоботда.

Юқоридагилар — бугунги Ўзбекистон иқтисодиётига берилаётган халқаро баҳо. Тан олайлик, Ўзбекистонда эркин савдо муҳити йўқлиги учун ҳам Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш чўзиляпти. Монополиялар борлиги учун ҳам халқаро рейтингларда охириги ўринларда бормоқдамиз. Эркин бозор йўлида ўзимизни ўзимиз тарбиялай олмайётган бир шароитда, афсуски, глобал қоидалар тартибга солишига ҳам йўл бермаяпмиз.

Ҳукумат эркин савдо, ЖСТга аъзолик, эркин рақобат муҳити ҳақида бонг урадию, бошқа томондан шу вақтгача ўзи ҳимоя қилиб келган соҳаларни (аниқроғи, монополларни) кейинчалик ҳам қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилаётгандек. Мисол учун, 2021 йил 2 декабрда тасдиқланган Низом асосида баъзи импорт товарларига қўйилган чекловлар (бож



ва бож бўлмаган тўсиқлар) шунчаки импортни чеклаш учун қўйилган тўсиқлардан бошқа ҳеч нарса эмас.

Ёки бўлмаса, иқтисодиётда давлат улушини камайтириш, хусусийлаштириш ҳақида тинимсиз гапирилади. Давлат назорати ва эгаллиги остида бўлган иқтисодиёт билан тараққиётни таъминлаб бўлмаслигини аччиқ тажрибамизда кўрдик, кўрмоқдамиз. Бироқ бу ўринда ҳам ўзимиз ёзган қоидаларга ўзимиз амал қилавермаймиз. Банкларни хусусийлаштирамиз, деб уларнинг капиталига давлат яна пул беради, маъмурий ислохотлар қиламиз, деб янги ва янги вазирликларни ўйлаб топамиз. Аксарият ҳолларда эрталабки ваъдамиз тушликка келиб тўғри келмай қолади.

Монополия ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Монопол муҳит ҳукмрон иқтисодиётда нархларнинг белгиланиши фақат битта факторга таянади. Бу ҳам бўлса, монополистнинг кайфиятига боғлиқ. Унга жаҳонда нархларнинг ошишию тушиши, ресурсларнинг ўзимизда етарли экани, таннархнинг бир

мунча арзонга тушиши умуман қизиқ эмас. Ўзинимани ҳақ деб билса, шунга амалга ошираверади. Мушугини «пишт» дейдиган кимса йўқ.

Оқибатда, афсуски, уларнинг баъзилари сабаб чет элларга парвозни қўшниларга нисбатан 2-3 баровар қимматга амалга оширасан, баъзиларини деб йиллаб навбат кутасан, уйингни иситиш ва ёритиш тўғрисида-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Айримлари эса гарчи давлатга тегишли бўлмаса-да, давлат томонидан керагидан ортиқ қўллаб-қувватланадики, уйингда фақат шу корхонага тегишли анжомлар бўлиши керак ва жойи келса фақат шу корхона ишлаб чиқарган ширинликларни тановул қиласан.

Кўриниб турибдики, ҳозир ишлаётган айрим қонунлар коррупцияга йўл очади ёки соф рақобатга йўл бермайди. Бу қонун ёки нормалар ўз вақтида айрим шахсларнинг манфаатларига мослаб ишлаб чиқилгани ҳам ҳақиқат. Буни ўзгартириш вақти аллақачон келганини ҳамма билади, фақат буни «юқори»дагилар тан олгиси келмаяпти, холос. Бу жараён қанча давом этса, Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрни ҳам шунча пастлайверади.

Санжар ИСМАТОВ.

Давлат тест маркази 2021-2022 ўқув йилида битирувчиларнинг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичлари бўйича вилоятлар, туман ва шаҳарлар рейтингини эълон қилди.

## БИТТА ХАТО

ҳАМОН ҚИММАТГА  
ТУШЯПТИ



Хўш, бу рейтинг натижасига қараб яна ўқитувчилар жазоланмайдимми?

Эсингизда бўлса, собиқ Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов ташаббуси билан 2021 ўқув йилидан бошлаб мактаб директорлари ва ўқитувчиларининг маоши мактаб битирувчиларининг ОТМларга кириш кўрсаткичларига ва уларнинг ишга жойлашишига қараб баҳоланиши белгиланган эди. Бу ташаббус кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Хайрихоҳлардан кўра қаршилар кўпроқ эди. Аммо барибир вазир айтганидан қайтмади.

Бундай бемаъниликнинг оқибати эса кейинроқ кўринди. Айнан Марҳамат туманидаги ўқитувчиларнинг оммавий узра сўратилиши собиқ вазир ташаббусининг ҳосили эди, дейиш мумкин.

Амалдаги Халқ таълими вазири бу нотўғри ҳаракат эканини айтиб чиқди. Тўғри, юқоридаги ташаббус чуқур ўйланмаган, жамоатчилик билан муҳокама қилинмаган ва энг муҳими, отаналар билан келишилмаган лойиҳа эканини тан олишимиз зарур.

Биринчидан, битирувчиларнинг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичи аслида нисбий ҳолатдир. Бундан якуний ҳулоса чиқариш қийин. Масалан, абитуриентнинг имтиҳонларда муваффақият қозониши фақат унинг билимига ёки мактаб ҳамда ўқитувчи салоҳиятига боғлиқ эмас. Абитуриент оиласининг молиявий ва ижтимоий аҳволи каби омиллар ҳам мавжуд. Яъни, бир мактаб битирувчиси қабул имтиҳонларида етарли балл тўплаб, контракт асосида ўқишга қабул қилинди. Лекин оиласидаги молиявий қийинчиликлар туфайли контракт тўловини тўлай олмай ва ўқишдан бош тортди. Бошқа бир мактаб битирувчиси эса, керакли баллни тўплай олмайди, бироқ супер-контракт асосида ўқишга кирди. Бундан келиб чиқиб, иккинчи мактаб биринчисидан яхшироқ ишлаган, дейиш тўғрими?

Иккинчидан, олий таълим муассасаларига киришда тақдим этиладиган имтиёзлар абитуриентнинг билимига қараб эмас,

балки унинг қайси худуддан, қайси мактабдан эканлиги (баъзи мактаб битирувчилар махсус имтиёзларга эга), ҳарбий хизматни ўтаганлиги, ота-онасининг касби (баъзи мутахассислар фарзандларига алоҳида квоталар белгиланган), жинси каби омилларга таяниб ажратилган. Бу имтиёзлар тенглик мувозанатини таъминлай олмайди-ку?

Учинчидан, битирувчиларнинг барчаси бирдек олий ўқув юртига кириш ниятида бўлмайди. Кимнидир қобилияти қайсидир касб-ҳунарга йўналтирилган. Ахир ҳамма олий маълумотли мутахассис бўлавермайди-ку! Жамиятга малакали касб-ҳунар эгалари ҳам керак. Шу боис ҳам бизда ҳозир янги турдаги профессионал таълим муассасалари тармоғи яратилди. Бироқ, агар мактаблар фақат олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичи билан баҳоланса, ўқувчиларнинг бундай профессионал таълим муассасаларига ва ўрта бўғин касбларига қизиқини қандай қўллаб-қувватлаш мумкин?

Бешинчидан, битирувчининг қайси олий ўқув юртига киргани ҳам ҳисобга олинмаган. Масалан, сизнинг мактабингиз ўқувчилари энг нуфузли олий таълим даргоҳига ҳужжат топширди ва «йиқилди». Қўшни мактаб ўқувчилари эса, танлов кам бўлган олийгоҳ талабаси бўлди. Аслида сизнинг мактабда таълим сифати нисбатан юқорилигини ҳамма билади. Бироқ яқунда қўшни мактаб рейтингда юқори ўрин олиши адолатданми? Ва бу натижага қараб мактабу ўқитувчига баҳо бериш қанчалик тўғри?

Бу ҳақда тажрибали ўқитувчи Комил Жалилов билдирган фикрга қўшилиамиз. Чиндан таълим соҳасидаги ҳар қандай ўзгаришлар илмий тадқиқот ва чуқур таҳлилларга асосланган бўлиши лозим.

Акс ҳолда, ўша вазир (тўғри, ҳозир ҳам вазир, фақат бошқа соҳада!) ташаббуси сингари тезда қабул қилинган қарорлар билан худди Марҳамат туманида бўлганидек, ўқитувчи шаънига доғ тушириб қўямиз...

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ

### ЭЪЛОН

Мухаммадиева Фания Адгамовнага 1987 йил 1 июлда Тошкент тиббиёт институти томонидан берилган НВ №939437 рақамли диплом (рўйхат рақами №41163) йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



# ДАЙТИ ИТЛАР

## ҳисобини ким юритади?

Кўча-кўйда итини етаклаб юрганларни учратиш табиий ҳол, албатта. Аммо баъзиларнинг савлати одамни кўркувга солади. Энг ёмони, айрим ҳолларда итлар махсус ниқобсиз сайрга олиб чиқилади. Ваҳоланки, уларнинг тўсатдан йўловчиларга ёки ёш болаларга ташланиб қоладиган вазиятлар йўқ эмас. Мисол учун, яқинда Юнусобод туманида эгаси сайрга олиб чиққан ит мактабдан қайтаётган иккинчи синфда ўқийдиган қизалоққа ҳамла қилади. Яхшиямки, тумшугига махсус ниқоб тақилган экан. Агар ит ниқобсиз бўлганида-чи? Бу вазиятда кимдир итни ҳам, эгасини ҳам қўшмоқлаб сўқди, яна кимдир ит эгасини ҳақоратлади. Қизча эса кўркувдан қалтираб қолганди...

**Бугун ит ва мушук боқадиганлар кўп.** Ҳовлиларда боқилишини тушунса бўлади. Ҳовлини қўриқлайди, деган тушунча бор. Аммо кўп қаватли уйларида ит боқиш жуда катта муаммоларни келтириб чиқармоқда. «Доим лифтни бўлаб кетади, кечаси билан аккиллашидан ухлай олмайман», деган гап-сўзлар қулоққа кўп чалинади. Энг ёмони, шундайлар борки, итини сайр қилдиришга олиб чиқиб, айнан болалар ўйнайдиган жойда етаклаб юриши ёки ўша ерни ҳожатхонага айлантиришганини кўриш мумкин.

**Қонун нима дейди?** Аслида ит ва мушук боқиш қоидалари қонунчилик билан аниқ белгиланган ва Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 июлдаги

қароридан акс этган. Бунга эса уй ҳайвонлари эгаларининг ҳаммаси ҳам жиддий қарашмайди. Унга кўра, кўп қаватли уйнинг алоҳида квартирасида қўшнилари ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг розилиги билан биттадан ортиқ бўлмаган итни ва битта мушукни сақлашга рухсат берилади. Итлар очик жойларда сайр қилдирилганда ва турар жой биноларида итларнинг эгалари тинчлик сақланишини таъминлашлари — эрталаб соат 8.00 гача ва кечқурун 22.00 дан кейин итларнинг вовиллашининг олдини олишлари керак. Итлар очик жойларда ёки бунинг учун махсус ажратилган майдонларда сайр қилдирилади, бу ерлар ҳар доим озода сақланиши керак. Ушбу қоидаларга риоя этилишини ички ишлар органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қилади. Маъмурий жавобгарлик мавжуд. Хўш, шундай экан, нега унда исталган вақтда итлар сайр қилдириляпти? Баъзи «ЖЕК»лар ҳудудидаги қайси хонадонда нечта ит ёки мушук боқишидан хабари ҳам бўлмаса керак.

**Дайди итлар муаммоси ҳам бор.** Кейинги пайтда ҳайвонларни ҳимоя қилувчилар томонидан дайди итларга нисбатан шафқатсизлик қилинаётгани, итлар оммавий ўлдириляётгани ҳақидаги хабарлар кўп тарқалапти. **Аммо танганин иккинчи томонини ҳам унутмаслик керак.** Маҳаллада бир нечта дайди ит юрсаю, қандай қилиб болаларни кўчага чиқариб

**Аслида юрти- мизда ҳам зотдор итларнинг яширин бизнеси йўлга қўйилган. Деярли барча вилоятларда ит бозори мавжуд.**

юбориш мумкин? Дайди ит ҳеч қачон ҳамла қилмайди, дея ким кафолат беради? Мисол учун, Самарқанд шаҳрининг Рудакий, Гагарин, Навоийшоҳ ва Мирзо Улуғбек кўчалари ҳамда Темир йўл вокзалининг олд қисмида 16 нафар фуқарога номаълум итлар жароҳат етказган. Бундай ҳолатлар бошқа жойларда ҳам кўп.

**Маълумотлар юритилдими?** Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси дайди итларни тутиш ва уларни ушлаб туриш билан шуғулланади. Аҳоли мурожаатлари асосида ишлайди. Баъзида бир кунда



20 талаб дайди итларни тутиб келтириш ҳолатлари учрайди. Ушланган дайди ҳайвонларнинг ҳолати, соғлиги ҳақида «ветврач»лар ҳар куни Фавқуодда вазиятлар вазирлигига маълумот бериб боради.

**Мақолани тайёрлаш жараёнида бир ой ёхуд йилга қанча бошпанасиз ит, мушуклар тутиб олинди ва ўлдирилиши ҳақида статистик маълумотлар олиш мақсадида қатор давлат ташкилотларига мурожаат қилдик.** Хусусан, Экология ва атроф-муҳитни муҳофиза қилиш, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш ҳамда Статистика қўмиталари вакиллари билан шуғулланмаслигини, уларда маълумот йўқлигини қайд этди. Қаровсиз ит, мушукларни тутиш шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари зиммасига юклатилганини билганимиздан кейин ҳам мамлакат бўйлаб сатистик рақамлар олишнинг иложи бўлмади. **Чунки шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари фақат шаҳар, туман ҳокимликларига бўйсунди.** Улар бу бўйича на вилоят, на республикадаги бирор ташкилотга ҳисоб беради.

**Ит бозори қанча даромад келтиради?** Аслида юрти- мизда ҳам зотдор итларнинг

яширин бизнеси йўлга қўйилган. Деярли барча вилоятларда ит бозори мавжуд. Бунинг ортидан ҳаттоки ноқонуний ит уруштирувчилар ҳам даромад қилади. Энг қизиғи, ижтимоий тармоқларда итлар савдосига тааллуқли ўнлаб каналлар фаолият юритади. Итларнинг нархи зотига ва ёшига қараб 100 минг сўмдан 300 долларгача дея эълон қилинган. Бу ҳам яширин иқтисодийнинг бир тури. Демак, қайсидир маънода итларга у даражада бефарқлик йўқ.

Аммо бу борада жиддий чоралар қўллаш вақти келди. Қаровсиз қолган ит, мушукларни бошпана билан таъминлаш, озиклантириш давлат томонидан назоратга олиниши керак. Хусусий бошпаналар жуда кам. Уларга ҳам хайрия маблағлари мунтазам равишда келиб турмайди. Шу боис биринчи ўринда Ўзбекистоннинг катта шаҳарларида давлат бюджети ҳисобидан бошпаналар қурилиши лозим.

Қолаверса, кўп қаватли уйларида ит ёки мушук боқиш тартибларини қайта кўриб чиқиш лозим. Тўғри ҳайвонларни яхши кўриш керак, болаларга тушунтириш керак. Аммо хавфсизликни ҳам унутмаслик лозим. Шаҳар жойларда-ку, барча ҳайвонларни эмлаш ишлари ўз йўриғида кетиши мумкин. Аммо қишлоқларда-чи? Уларни эмлаништириш, дея оламизми? Бундан келиб чиқадиги, одамларга юқумли касалликларни ташвиш кўрсаткичи ҳам шунча юқори. Бу эса келгуси муаммоларнинг бошланишидир. Демак, хонаки ва дайди ит ҳамда мушуклар учун алоҳида янги йўриқнома ва амалий иш керак. Токи, қутурган дайди ит кимдир шикастлаб қўйиши ёки муаммолар кўпайишини кутиб ўтиришдан фойда йўқ.

Нилуфар ЮНУСОВА.

## ИШСИЗЛИК НАФАҚАСИНИ ҚАНДАЙ ОЛСАМ БҒЛАДИ?

— Анчадан бери ишсизман. Эшитишимча, ишсизлик нафақаси бериларкан. Шунинг қандай олсам бўлади?

**Акбар Рустамов, Самарқанд шаҳри.**

**Фазилат ҲАҚБЕРДИЕВА, хуқуқшунос:**

— Ишдан маҳрум бўлган, биринчи марта иш қидираётган, шунингдек узоқ (бир йилдан ортиқ) танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта бошлашни истаган ва ишсиз деб эътироф этилган шахсларга

ишсизлик нафақаси тўланади. Ишсизлик нафақаси ишсиз деб эътироф этилган шахсга у иш қидираётган шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатдан ўтган кундан эътиборан тайинланади. Қарамоғида учтагача киши бўлган, 35 ёшга тўлмаган ишсиз эркекка ишсизлик нафақаси у ҳақ тўланадиган жамоат ишларида белгиланган тартибда иштирок этган тақдирда тайинланади. Ишсиз шахснинг нафақа олиш ҳуқуқи у иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтган

пайтдан бошлаб кечи билан ўн биринчи кундан эътиборан кучга киради. Ишсизлик нафақаси кўпи билан:

— ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган ёки узоқ (1 йилдан ортиқ) танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта бошлашга ҳаракат қилаётган шахсга 12 ойлик давр мобайнида 26 календарь ҳафта;

— илгари ишламаган ва биринчи марта иш қидираётган шахсга эса 13 календарь ҳафта мобайнида тўланади.

# КОНСАЛТИНГ

## ФИРМАЛАРНИ КИМ НАЗОРАТ ҚИЛАДИ?

Олий ўқув юртига кириш, талабалик бахтига эришиш — барча ёшларнинг орзуси. Аммо бунинг учун фақат орзунинг ўзи камлик қилади. Тинимсиз меҳнат, ўқиб-ўрганиш ниятларни рўйга чиқаради.

Қолаверса, хужжат топширган абитуриентларнинг ҳаммаси ҳам талаба бўла олмайди. Табиийки, ўқишдан «йиқилган»лар бу йўналишда ҳар қандай муқобил таклифни жон деб қабул қилади.

Афсуски, мана шу вазиятда ўқишга кира олмаганлар учун консалтинг фирмалар орқали турли реклама ва эълонлар берилиб, оsonгина талаба бўлиш таклифи этиляпти.

Тахлилларга кўра, асосан, қўшни Қозоғистон, Қирғизистон давлатларида имтиҳонсиз талаба бўлиш имконияти борлиги тарғиб этилаётган бўлса, рекламаларда «**Ҳеч қандай имтиҳонсиз талаба бўлинг**», «**Бир йилдан кейин Ўзбекистонга ўқишни кўчиришингизга ҳам амалий ёрдам берамиз**», «**Бирор марта бормасдан 1-курсни тугатиш мумкин**», деган ваъдалар берилмоқда.

Ҳатто шундай рекламаларга дуч келяпмизки, **тушунган одам учун бу тузоқ экани аниқ бўлади**. Аммо содда одамлар, иложсиз ёшлар уларга ишониб қолишмоқда.

Ўрганишлар давомида ўзим номзод сифатида бир фирма хизматига мурожаат қилдим. Келган жавобдан унча-мунча абитуриентуларнинг ота-онаси шошиб қолади.

Ёзилишича, мен уларнинг талаби бўйича голиб бўлибман ва Японияда ўқиш учун 2022-ўқув йили қабул-лига рўйхатдан ўтибман. Одамни сеҳру жодулайдиган мана бу қисмига қойил қоласиз. Ҳеч бир машаққатсиз 1300 АҚШ долларлик ваучер ютиб олибман. Хатда ютуқдан фойдаланиш бўйича маълумотни тез кунда ўтадиган семинарда билиб оларканман. **Сездингизми, қармоқ ташланди. Энди бу хатни олган ҳар қандай**



номзод семинарга боришга мажбур бўлади. Ахир 1300 доллар ҳазилакам пулми?

Бу консалтинг фирма Наманган шаҳрида жойлашган экан. Шу боис унда кўрсатилган телефон рақамидagi мутахассис **Ҳасан Шариф-жонов** билан боғландим.

«Сизни табриклаймиз. Сиз бизнинг 2200 долларлик хизматимиздан фойдаланишда 1300 доллар чегирмага эга бўлдингиз. Берилган ваучер орқали энди атига 900 доллар бериб, Япониядаги университетларга хужжат топширишингиз мумкин».

«Фақат хужжат топширишга 2200 долларми? Ёки ўқишга киритиб қўйиш кафолати ҳам борми?»

«Ҳа, фақат хужжатларни тайёрлаб берамиз».

**2200 доллар шунчаки хужжатлар тайёрлаш ва топшириш учун қанчалар қиммат эканини соҳадан хабардорлар яхши тушунади. Ишонинг, бу иш учун ҳатто 100 доллар ҳам кўплик қилади.**

Яна бир консалтинг фирманинг эълони эса бундан-да, таажжублироқ.

Ўзбекистонда 100 фоиз тан олинган диплом, дея бошланувчи реклама матни ўқиш иштиёқидаги ҳар қандай номзодни қизиқтиради. Бу консалтинг фирма Тошкент шаҳрида жойлашган бўлиб, сиртқи таълим турига онлайн ва офлайн ўқиш турларини таклиф этган. Факультет ва шартнома нархлари 7 миллиондан бошланаркан. Қизиқ томони, қайси олий таълим муасса-

2200

**доллар шунчаки хужжатлар тайёрлаш ва топшириш учун қанчалар қиммат эканини соҳадан хабардорлар яхши тушунади.**



саси ҳақида гап кетаётгани рекламада кўрсатилмаган. Иқтисод, тарих, бошланғич таълим, жисмоний тарбия, педагогика ва психология ҳамда туризм йўналишлари таклиф этилган.

Янада қизиқарли томони, фирма хизматлари тўлов чегирма билан 9 миллион сўм этиб белгиланган. Изоҳда ёзилишича, бу пуллар хужжатлар расмийлаштириш учун экан.

Табиийки, фирма хизматлари билан ҳам қизиқдик. Ўзини Наргиза, дея таништирган мутахассис 9 миллион сўм маблағ нафақат хужжат тайёрлаш учун, балки шу университетларга кириш кафолатини ҳам таъминлашини айтди. Рекламадаги нодавлат олий ўқув юртларининг бири «Profi university» бўлса, иккинчиси «Al-Bukhari University» нодавлат олий таълим муассасалари экан.

Шундан сўнг бу нодавлат университетларига боғланиб, қабул жараёнлари билан қизиқдик.

Не ажабки, «Profi university» нодавлат олий ўқув юрти чиндан ҳам «Ал-Бухорий» консалтинг фирмаси билан шартнома имзолаган экан. Ўзини Зулхумор, дея таништирган мутахассис фирма ишончли экани, улар билан ишласам, университетга киришим кафолатлигини тасдиқлади. Аммо менда савол туғилди. Агар бу университетга кириш синов имтиҳонлари орқали бўлса ва мен имтиҳонда етарли балл тўплай олмасам ҳам талабалар сафига қўшилсам, имтиҳон ўтказишдан мақсад нима?

«Al-Bukhari University» университети проректори билан боғланганимизда ушбу нодавлат олий таълим муассасаси ҳеч бир консалтинг фирма билан шартнома тузмаганлиги маълум бўлди.

Гувоҳ бўлганингиздек, консалтинг фирмалар фао-

лияти кишида шубҳа уйғортади. Хўш, улар фаолияти назорат қилинадими?

— Ўзбекистон қонунчилигига кўра, чет элда ўқишни таклиф қилувчи консалтинг фирмалар Давлат хизматлари агентлигидан юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтади. Улар юридик шахс гувоҳномаси билан хизмат кўрсатади. Консалтинг фирмаларнинг фаолияти ва кўрсатаётган хизматларини назорат қилувчи орган йўқ, — дейди **Таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси бўлим бошлиғи Низомжон Эшонқулов**. — Шунинг учун ҳам асосий масъулият ўқишни хоҳлаган талабгор ёшлар ва уларнинг ота-оналарида бўлади. Консалтинг фирмалар, асосан, абитуриентга университетларни топиб бериш ва унинг хужжатларини танланган олий таълим муассасасига топшириш хизматини бажаради. Лекин бу ишларни ҳар бир фуқаро, яъни абитуриентнинг ўзи ҳам бажара олади. Ҳозир интернет орқали хориждаги олий таълим муассасалар ҳақида маълумот олиш, уларнинг веб-сайтига кириб танишиш ва ҳатто онлайн хужжат топшириш имкони ҳам бор. Фақат ҳаммасини синчковлик билан текшириш талаб этилади.

Хулоса сифатида айтиш керакки, ҳеч қайси консалтинг фирма абитуриентни талаба бўлишига кафолат бера олмайди. Шундай экан, бу масалада чуқур ўйлаб, мутахассислар билан маслаҳатлашиб, иш тутган энг тўғри йўл ҳисобланади.

Кези келганда, қонунчилик ташаббусига эга бўлган идоралар эътиборини шу каби ҳолатларга қаратиб, мазкур фирмалар фаолиятини тартибга солишчи ёки назорат қилувчи меъерий хужжатга эҳтиёж борлигини билдириб ўтмоқчимиз.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

Йилига

# МИЛЛИАРД ДОЛЛАР

қаерга кетяпти?



Ёхуд миллий косметика саноати нега  
ривожланмаяпти?

Экспертларнинг таъкидлашича, уч йилдан кейин косметика маҳсулотлари савдоси дунё бозорида 717,6 миллиард долларлик улушга эга бўлар экан. Демак, бундан кўриниб турибдики, ўзининг бренд маҳсулотлари билан дунё бозорини забт этган косметика компаниялари миллионлаб доллар ҳисобида давлатига яшигина даромад келтирмоқда. Бу эса ушбу соҳа қанчалик ривожланаётганидан далолатдир.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистонга бир йилда 251 миллион долларлик гигиена ва парфюмерия воситалари импорт қилинади. Агарда парфюмерия маҳсулотларидан фойдаланадиган аёлларни ўртача 10 миллион нафар, деб олсак, демак, ҳар бир аёл 25 доллардан маблағ сарфлашига тўғри келар экан. Бу кўрсаткич эса мутлақо бугунги ҳолатга тўғри келмайди. Қандай қилиб дейсизми, унда эшитинг.

**Бугунги кунда юртимизда битта аёл парфюмерия маҳсулотлари учун қанча пул сарфлайди?** Камидан 200-300 минг сўмдан тортиб, 5 миллион сўмгача сарфлайдиганлар бор. Барчасини умумий ҳисобда оладиган бўлсак, ҳар бир аёлга 100 доллар қилиб белгилаш мумкин. Демак, бундан келиб чиқадики, **бир йилда бир миллиард доллар маблағ парфюмерия маҳсулотларига сарфланади.** Бундан англаш мумкинки, миллионлаб долларларни хориж компанияларига бериб қўярганмиз.

**Хўш, нега унда рақамлар-**

**да номуносивлик келиб чиқмоқда, деган савол туғилиши табиий.** Чунки юртимизда яширин иқтисодиётнинг улуши катта. Яширин иқтисодиёт, бу — солиқдан қочишдир. Сотувчи учун энг қулай усул: солиқ тўламасдан фойда кўриш. Маълумки, парфюмерия маҳсулотларига доим мижоз бўлади. Чунки аёл борки, гўзаликка интилади. Парфюмерия маҳсулотларини сотувчилар эса кўп. Дўконлардан ташқари, ижтимоий тармоқлардаги гуруҳлар, ҳаттоки охирги пайтда бўлиб тўлаш орқали сотадиганлар ҳам кўпайиб кетмоқда. Жамоавий тарзда тармоқли сотадиганларнинг ҳисоби йўқ. Уларга таклиф ҳар доим бор.

**Маҳсулотлар зараридан ким кўп жабр чекади?** Юртимиз бозорларини Хитой, Россия, Корея, Эрон ва БАА парфюмерия маҳсулотлари эгаллаб олган. Бу билан қайси давлатларга маблағлар йўналтириляётганини кўриш мумкин. Тўғри бизда Навоий вилоятида парфюмерия ишлаб чиқарилади. «Navoiy-Beauty Cosmetics» компаниясида Кореянинг «La Core» фирмаси томонидан 25 хил маҳсулот тайёрланмоқда. Бу дегани, айнан ўзимизнинг миллий бренд маҳсулот эмас.

Энг арзон маҳсулотлар Хитойдан келтирилади. Чўнтақбоп бўлгани учун харидорлари кўп. Аммо сифати ва инсон саломатлиги учун қай тарзда таъсир этиши бўйича деярли кўпчилик ўйлаб ҳам кўрмайди. Аслида йирик бренддаги парфюмерия компанияларининг

**Аслида, атига ҳеч бўлмаганда лаб «помада»си ишлаб чиқарадиган қобилиятга эга эмасмиз.**



маҳсулотлари ҳам баъзи касалликларни келтириб чиқарувчи омиллар экани исботланган.

**Бизда нега парфюмерия маҳсулотлари йўқ?** «Гўзаллик ҳокимияти» номи билан фаолият олиб борадиган косметологлар уюшмасидагилар ҳам, асосан, Кореяда ишлаб чиқарилган косметик маҳсулотлардан фойдаланишини таъкидлашди. Миллий маҳсулотларимиз ҳақидаги саволларга эса: «биздами, бормикан?» дея ҳайрат билан саволга савол қайтаришларининг ўзиёқ ҳолат қандайлигини кўрсатиб турибди. Аслида, атига ҳеч бўлмаганда лаб «помада»си ишлаб чиқарадиган қобилиятга эга эмасмиз.

**Нега бундай?** Бугунги кунда тадбиркорларга имкониятлар, имтиёзлар яратилаётгани ҳақида кўп эшитяпмиз. Унда нега парфюмерия — косметика саноати ривожланмаган? Миллий маҳсулот ярата оладиган олимлар етишмайдими? Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ўтган йили солиқ тўловида, кредитлар борасида бир қанча имтиёзлар берилди. Мисол учун, маҳаллий маҳсулотларга эса импорт товарлари нархининг 15 фоизигача бўлган миқдорда имтиёзлар қўлланилиши белгиланган. Аммо келтирилган рўйхатда айнан парфюмерия — косметика саноати кўрсатилмаган.

Ўйлаб кўрсам, ягона мақтанадиган табиий косметика маҳсулоти мавжуд экан. У ҳам бўлса — ўсма. Ҳозирча

аёлларимиз шундангина фойдаланиши ва фахрланиши мумкин, холос.

Президент: «олимларимиз амалий аҳамиятга эга йўналишларни танласин», дея кўп бора таъкидлайди. Ўқитилаётган докторантларга ажратилаётган пуллар ҳаво совуриляптими? Нега амалиётда ҳеч нарса кўрмайпмиз? Кимё, биология фанлари бўйича халқаро олимпиада ғолиблари нима билан машғул? Аслида юртимизда юзлаб шифобахш ўсимликлар етиштирилади. Наҳотки улардан бирор-бир косметикага оид крем ўйлаб топишолмаса? Мисол учун, Кореянинг асалли кремларини қимматга сотиб олаётганларни кўрамиз. Бизда асаларилар йўқми? Эроннинг хинаси эса доим харидоргир. Бизда хина ўсимлиги етиштирилмайдими? Хуллас, саволлар кўп. Аммо олимларимиз, тадбиркорларимиз ЖИМ. Амалий ишлар вақти етиб келмадимикан?

Ўтган йилдан бошлаб Ўзбекистон Европа Иттифоқидан божсиз товарлар олиб кириш ҳуқуқини қўлга киритди. Ўзимизнинг бренд маҳсулотларни ишлаб чиқариб дунё бозорларига кириш имконияти берилиб турган бир пайтда фақат гапни қуруқ олиб қочишдан нарига ўтмаяпмиз. Миллиардларни бошқа давлат иқтисодиётини ривожлантириш учун сарфлаб юборяпмиз.

Нилуфар ЮНУСОВА.

Mahalla

Ижтимоий-сиёсий,  
маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:

«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi»  
масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон  
Республикаси  
Президенти  
Администрацияси  
ҳузуридаги Ахборот  
ва оммавий  
коммуникациялар  
агентлиги томонидан  
2019 йил 24 сентябрда  
0019 рақами билан  
давлат рўйхатидан  
ўтказилган.

Бош муҳаррир  
**Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ**  
«Mahalla» газетаси муҳаррири  
**Санжар ИСМАТОВ**  
«Mahalla ko'zgusi» журнали муҳаррири  
**Рустам ЮСУПОВ**  
Саҳифаловчи:  
**Илҳом БОЛТАЕВ**

Таҳририят манзили:  
Тошкент шаҳри, Мустақиллик  
шоҳкўчаси, 59-уй. Индекс: 100192  
Телефонлар:  
Қабулхона: 71 233-39-89,  
Котибият: 71 237-56-80,  
Факс: 71 233-10-73.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета  
таҳририят  
компьютер  
марказида  
саҳифаланди ва  
офсет усулида  
босилди.

Нашр кўрсаткичи: 148